



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



7/2023

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University



E-ISSN 2181-1466

9 772181 146004



ISSN 2181-6875

9 772181 687004

@buxdu_uz

@buxdu1

@buxdu1

www.buxdu.uz

7/2023

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Ilmiy-nazariy jurnal
2023, № 7, avgust

Jurnal 2003-yildan boshlab filologiya fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab fizika-matematika fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab siyosiy fanlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruruy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.
Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.
Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Rasulov To'liq Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

Mas'ul kotib: Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M., filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti S.E., iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V., kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A., texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E., fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Mengliyev Baxtiyor Rajabovich, filologiya fanlari doktori, professor

Adizov Baxtiyor Rahmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva Muhabbat Qayumovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Djurayev Davron Raxmonovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov Baqo Bafoyevich, kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor

Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoir Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Hamroyeva Shahlo Mirjonovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Nigmatova Lola Xamidovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Bohoyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori

Jo'rayev Narzulla Qosimovich, siyosiy fanlar doktori, professor

Rasulov Zubaydullo Izomovich, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Qurbonova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent

Алиева Н.Х.	Семантические особенности компьютерных фразеологических единиц и их классификация в разносистемных языках	98
Axmedova M.B.	Ingliz tilida "Spirituality" semantik maydoni: sotsial va lingvistik tahlil	106
Панжнев Н.П.	Сравнительный анализ согласных систем русского и узбекского языков с учётом влияния родного языка	111
Sobirova Z.R.	Mutual translation and its problems of touristic terms in English and Uzbek languages	118
Achilova R.A.	Allusive comparison	123
Yusupova D.Y., Furqatova M.	Ҳалима Худойбердиеванинг лексик-поэтик бирликлардан фойдаланиш маҳорати	126
ADABIYOTSHUNOSLIK *** LITERARY CRITICISM *** ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ		
Seytnazarova I.E.	Шеърятда бадий такрор ва унинг турлари	132
Murodova G.A.	Maxtumquli ijodida Ahmad Yassaviy g'oyalarining badiiy in'ikosi	138
Boltayeva G.Sh.	Muxammas janrining nazariy asoslari	144
Bozorova V.M., Maqsudova M.U.	The term "American culture" in the literary works of world writers	147
Elmanova M.T.	Family dissonances in Joyce Carol Oates' novel «Night. Dream. Death. Stars»	153
Davletova Sh.B.	The symbol of women in Muhammad Yusuf's poetry	157
Qayumova N.M.	Dunyo sonetchiligiga nazar	163
Shomurodova S.G'.	Aza marosimi qo'shiqlarida motam kiyimlarining tasviri	168
Sharipov M.M.	O'zbek jamiyatida xizmatkor obrazi rivoji va adabiyotda "uchinchi odam" tushunchasi	173
Пардаева Д.Р.	Амир Тимур в русскоязычной литературе: комплексный анализ образа и его исторического контекста	177
Ўроқова Н.Ё.	Замонавий шеърятда от образи талқини	181
Tashova D.S.	Individual badiiy shakllarga xos xususiyatlar	185
Safarova Z.T.	Tarbiya romanlarining badiiy adabiyotdagi genezisi va o'rni	192
Shermamatova Sh.B.	Avaz O'tarning "Yo'q bo'ling..." nomli g'azalining talqinlari tahlili	197
Бабаев О.А.	Немисзабон мамлакатларда форс адабиёти	202
Yo'ldosheva M.B.	Badiiy tarjimada portret tasvirining milliy-madaniy ta'sirini ifodalanishi	207

ХАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВАНИНИГ ЛЕКСИК-ПОЭТИК БИРЛИКЛАРДАН ФЙДАЛАНИШИ МАҲОРАТИ

*Юсунова Дилдора Юнус қизи,
Бухоро давлат университети Ўзбек тилишунослиги ва
журналистика кафедраси ўқитувчиси, f.f.d(PhD),
Фурқатова Мехрибон,
Бухоро давлат университети 2-босқич магистранти*

*Ўқувчим, тўқилди оғу билан бол,
Мен шеър деб атадим унинг отини.
Хаяжонли кунлар мевасини ол,
Ол, уйқусиз тунлар мукофотини.
Ҳ.Худойбердиева*

Аннотация. *Лингвистик тизимларнинг турли хил тавсифларини фақат назарий жиҳатдан аниқлаш етарли эмас. Алоқа тизимидаги лингвистик бирликларнинг нутқ ҳодисаларини ўрганиш инсон амалига эътиборни оширишини ҳисобга олиб, қуйида ўзбек нутқи евфемизмларининг хусусиятларини кўриб чиқамиз. Чунки миллий, маданий ўзига хослик бу одамларнинг хулқ-атвори, маданияти ва мулоқотида акс этади.*

Маънавий етукликка эришиш учун маданий мерос бўлган тилдан тўғри, оқилона ва самарали фойдаланиш, уни чуқур ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлиш зарур. Зеро, ҳар қандай инсоннинг ўзи яшайётган муҳитдаги одамлар билан ўзаро муносабати, эътиқоди, урф-одатлари, интилишлари, миллий қадриятларига содиқлиги унинг шахс сифатида шаклланишини таъминлайди. Ушбу жараённинг ҳар бир жиҳати тил билан боғлиқ чунки тил ҳар қандай вазиятда восита вазифасини бажаради.

Калит сўзлар: *Халима Худойбердиева шеърларидаги маънодош сўзлар, коннотация, шева сўзлар, диалект.*

НАВЫКИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЛЕКСИКО-ПОЭТИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ ХАЛИМОЙ ХУДОЙБЕРДИЕВОЙ

Аннотация. *Недостаточно только теоретически определить различные характеристики лингвистических систем. Учитывая, что изучение речевых явлений лингвистических единиц в системе связи повышает внимание к человеческому фактору, рассмотрим ниже особенности эвфемизмов узбекской речи, потому что национальная, культурная идентичность отражается в поведении, культуре и общении этих людей.*

Для достижения духовного совершенства необходимо прямое, рациональное и эффективное использование языка культурного наследия, его глубокое изучение и восхищение. Ведь взаимоотношения, убеждения, обычаи, устремления, приверженность национальным ценностям любого человека с людьми в той среде, в которой он живёт, обеспечивают его становление как личности. Каждый аспект этого процесса связан с языком, так как язык в любой ситуации выполняет функцию средства.

Ключевые слова: *синонимичные слова в стихах Халимы Худойбердиевой, коннотация, диалектные слова, диалект.*

HALIMA KHUDOYBERDIEVA'S SKILL IN USING LEXICAL-POETIC UNITS

Abstract. *It is not enough only to theoretically define the various characteristics of linguistic systems. Considering that the study of speech phenomena of linguistic units in the communication system increases attention to the human factor, let us consider below the features of euphemisms of Uzbek speech, because national, cultural identity is reflected in the behaviour, culture and communication.*

The direct, rational and effective use of the language of cultural heritage, its deep study and admiration is necessary to achieve spiritual perfection. After all, the relationships, beliefs, customs, aspirations, adherence to national values of any person with people in the environment in which he lives,

ensure his formation as a person. Every aspect of this process is linked to language, for language in every situation fulfils the function of a medium.

Key words: synonymous words in the poems of Halima Khudoberdieva, connotation, dialect words, dialect.

Кириш. Тил ва ёзувчи ўртасидаги муносабат шахмат ва шахматчи ўртасидаги муносабатга киёсланади. Шахмат ўйинида ҳар бир тошнинг мавқеи, даражаси, шахмат тахтаси устидаги ҳаракатланиш имкониятлари ўйин қондаси сифатида аввалдан белгилаб қўйилади. Белгиланган қондаларни ақлига теран сингдирган шахматчи юксак маҳоратли ҳисобланади ва янгидан-янги, бетакрор юришлар қилади, юксак комбинациялар яратиладики, бу унга рақибини мағлуб ва муҳлисини мафтун қилиш имконини беради.

Асосий қисм. Ижодкор юксак савиядаги асарларни яратиши учун унга фақат иктидорнинг ўзи кифоя қилмайди. Бадний адабиёт билан шугулланаётган ёзувчи ёки шоир, аввало, етук сўзшунос бўлиши шарт. Яъни лисоний бирликларининг ҳам, уларнинг нутқий вокеланишидаги ҳар бир унсур, шакл ёки мазмуннинг ҳам ўз вазифаси, қуршов доирасида ўрни, парадигматик қаторлари, синтагматик, ассоциатив муносабатлари, иерархияси, шунингдек, лисоний ва нутқий бирликларнинг ўзига хос яшаш, бирикиш, ифодалаш қонуниятларидан хабардор бўлиши жуда муҳим. Бу хабардорлик ижодкорда бадний дидни, тил сезгирлигини ва юксак маҳоратни тарбиялайди, ижод жараёнида чексиз имкониятлар эшигини очади. Унга бетакрор тасвирлар, оҳорли лавҳалар, асар кульминациясини сўз чакинларида ифодалаш, сўз ўйинлари қилиш, сўз қудратини ҳар сатрда, ҳар ифодада намоен этиш имконини беради, табиийки, бу китобхон (ўқувчи) бадний асарнинг нафакат гоёси, балки назокатли, руҳбахш нутқи асрига айланишини ҳам таъминлайди.

“Бунда ижодкор умумхалқ тилидаги бадний тасвирга фавқуллода мувофик бирликларни танлаш, саралаш ва сайқаллаш асосида, лисоний-бадний қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда уларга юқланган хилма-хил бадний-эстетик маънолар ҳал қилувчи роль ўйнайди”

Биламизки, исталган бадний асарнинг жони, уюштирувчиси ёки шахмат доскасидаги “фарзин”и бадний сўз ҳисобланади. Муайян ижодкорнинг сўз қўллаши санъат даражасига кўтарила олганми ёки йўқ, буни баҳолаш учун, аввало, сўз, унинг лугавий маъноси ва бу маънонинг аслини ижодкор ҳам, ўқувчи ҳам аниқ ва теран тасаввур этиши, юракдан хис эта олиши жуда муҳим. Зеро, оддий сўзни бадний сўз даражасига кўтара олиш, уни ўрнида қўллашга эришиш, сўзнинг ички зотий имконияти ва шу имкониятидаги яширин маъно-моҳият нотикликларини вокелантириш, шунингдек, шакл ва мазмун симметриясини таъминлашга эришиш турли тасвир усулларини воситалари орқали амалга оширилади. Демак, ижодкор ўз асарида ифодалаётган гоё юқини сўз зиммасига юқлайди, чунки сўзнинг ички имкониятида бу вазифани удалай олиш қобилияти мавжуд. Бу ижодкордан умумийликни алоҳидаликда, моҳиятни ҳодисавийликда, имкониятни вокеликда, сабабиятни оқибат – натижада маҳорат билан беришни талаб этади.

Маълумки, лингвистикада тилдаги номинатив бирликларнинг мазмун жиҳатини ўрганишда коннотатив семантикага алоҳида диққат қаратилади. Ушбу масала тадқиқини монографик планда амалга оширган олим В.Н.Телия: “Коннотация – тил бирликлари семантикасига узул ёки оккюзонал равишда қирадиган, нутқ субъектининг борлиқни жумлада ифодалашда унинг айни шу борлиққа бўлган ҳиссий – баҳолаш ва стилистик муносабатини ифодалайдиган ҳамда шу ахборотга кўра экспрессив қиммат касб этадиган мазмуний моҳият” деген деб таърифлайди. М.Йўлдошев эса: “коннотация сўзловчининг борлиқни ифодалаш воситаларига муносабатига дахлдор” бўлган жиҳат эканлигини ёзади.

Демак, лисоний босқичнинг лексик сатҳидан мустахкам ўрин эгаллаган ҳар бир лексема ўзи мансуб парадигматик қатордаги бошқа лексик бирлик билан, шунингдек, бир парадигмага мансуб бўлмаган бирликлар билан синтагматик (кўшниччилик) муносабатларида ёки иерархиясида ҳам ўзи ифодалайдиган лугавий маънодан ташқари ҳиссий-таъсирий моҳиятни ҳам юзага чиқаришга тайёр туради. Вероника Телия: “сўзнинг лексик маъносини, қамда, уч макроузвнинг комбинацияси сифатида тасаввур этиш мумкинлигини айтади:

1) маънонинг борлиқдаги муайян реалликни ифодаловчи денотатив узви;

2) категориал-грамматик узви;

3) нутқ субъектининг сўз орқали ифодаланган нарсага муносабатини англатадиган эмотив-модал узви.

Ана шу учинчи узв экспрессив бўёқ, услубий бўёқ, эмоционал бўёқ, субъектив баҳо каби тушунчаларни умумлаштирувчи коннотатив маънолардир”деб ёзади.

Ўзбек тилшунослигида олима В.Телия томонидан эътироф этилган учинчи узнинг мазмун-мохияти анча батафсил очиб берилганлигини қайд этишимиз зарур. Поэтик матннинг лингвопоэтик тахлили ижодкорнинг тил бирликлари фойдалана олиш маҳоратини, эмоционал-экспрессив ифода семалари кабарик ҳолда реаллашган лексик-стилистик, морфостилистик ҳамда синтактик жиҳат билан боғлиқ ўринларни аниқлаш ва улар ижодкорнинг гоаявий-бадий максadini воқелантириш учун қай даражада хизмат қила олганлигини очиб беришни тақозо этади. Бунда, аввало, бадий асар тилидаги синонимия, антонимия, омонимия, градуонимия, партонимия, гиперонимия, полисемия, историзм, арханзим, неологизм, оккозионал бирликлар, диалектизм, варвар ёки вульгаризмлар ажратиб олинади ва улар асар гоаяси(лирик кахрамон ҳолати)ни ёритишда қай даражада хизмат қила олганлиги таҳлилга тортилади.

Қуйида Ҳалима Худойбердиева шеърятининг лексик-поэтик хусусиятларини шу асосда таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Маънодош сўзлар, одатда, “шаклан ҳар хил, аммо айнан бир тушунчани турли бўёқ ва оттенка туси билан ифодалайдиган лексема тури, яъни синонимлар (гр. *синонимос* – “бир номли”). Синоним лексема орасидаги муносабат синонимия ёки синонимик муносабат деб юритилади”.

Маълумки, маънодош сўзларнинг семантикаси, уларнинг аташ ва вазифа бажаришида айнан бирхиллик бўлса-да, уларнинг ифода семаси фарқланади. Ўзбек тили маънодош сўзларга жуда бой. Сўз кудратини, нафосатини, унинг таъсир кучини хис эта оладиган, тил сезгирлиги юкори бўлган хақиқий ижодкоргина тилимиздаги маънодош сўзлар ичидан тасвир максadi ва руҳиятига мувофиқ келадиган аниқ муносиб сўзни топиб асарининг керакли ўрнида қўллайдики, шу тарика ўз ўрнига тушган сўз ўқувчи шуурини оҳанрабодек ўзига тортади, унинг тилига, дилига кўчади. Ўз ўрнида қўлланилган сўзгина кахрамонлар руҳияти ҳамда тасвир объектининг энг кичик кирраларигача реал кўрсатиб беришга қодир бўлади.

Бадий матидаги маънодош сўзлар таҳлилда, асосан, икки жиҳатта эътибор қаратиш муҳим хисобланади. Бунда ижодкор –

1) синонимик қатордаги бирликлардан ифодаланаётган мазмун учун ўз диди, савияси, сўзни хис эта олиш қобилиятига қараб энг мақбулини танлайди. Жумладан,

жаннат ~ беҳишт ~ ризвон

Қуйидаги шеърда шоира *беҳишт* сўзи ўрнида унинг бошқа синонимлари *жаннат* ёки *ризвон* сўзларини қўлласа ҳам, шеър вазиғи (бўғини сонига) путур етмас эди. Аммо шоира деярли барча ўзбек учун умумистеъмом сўзга айланиб улгурган *жаннат* бирлигини қўлламайди ёки “Қуръони Карим” оятларидан, хадиси шарифлардан хабардор бўлмаган киши *ризвон* сўзининг лугавий маъносини тушунмаслиги ҳам табиий ҳол. Шундай шаронда ижодкор “кўпчилиكنинг кулогига теккан” бирлик(*беҳишт*)ни ажратиб қўллайдики, бу унинг сўздан ўринли фойдалана олиш маҳорати билан боғлиқ.

Устоз Гафур ҳақимона башорат қила билган –

Қалб қонидан бўлмоқлигин қиз деганинг барини.

Одам Ато йиғит чоғда қиз бола деб қувилган.

Ўқсиммасдан ташлаб кетган беҳиштининг боғларини.

(“Синглим Гулнарага” шеърдан)

Мазкур шеърдаги *ўқсиммасдан* сўзи ўрнида *ранжимасдан* бирлигини қўллаш ҳам мумкиндек кўринади, бироқ *ўқсиммаслик* сўзининг маъно даражаси *ранжимаслик*, ҳатто *хафа бўлмаслик*, *аччиқланмаслик* кабилардан кўра юкорирок.

бўрон ~ тўфон ~ бўҳрон ~ қасирга

Наҳот сор бургутни шубҳалар енгди.

Нечун қарашингда азоб сурати.

Не учун кўзингда гаҳи гаҳ энди.

Мен уқиб етмаган тўфон туради. (“Иқролик” шеърдан)

Банд охирида шоира нега айнан *тўфон* сўзини қўллаган? “Мен уқиб етмаган *тўфон* туради” мисрасида кофия жиҳатидан *бўрон*, *бўҳрон* сўзлари ҳам тўғри келади-ку? Ёки бу қўллаш тасодифийми?

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати” га мурожаат этамиз:

Бўрон 1 Тўзон ёки қор-ёмғир аралаш эсидиган шиддатли шамол. *Бўри бўронда қутурар.* (Мақол)

... 3 *кўчма* Шиддатли, давомли ҳаракат; оким; тўфон. *Наҳот ёвуз бўрон хасдек учиргай.*

Тўфон [а] кучли сув тошқини; зўр гавго; тўполон. 1 Шиддатли бўрон, довул. ... *тераكنинг шовуллаши тўфон босиб келаетгандек кучаяверди.* (А.Мухтор)

...4 Диний афсоналарга кўра, одамларнинг гуноҳи учун бутун дунёни босган сув тошқини.

Агар изоҳларга эътибор берсак, ўз маъносига кўра *бўрон* – шиддатли шамол; тўфон эса кучли сув тошқини. Аслида бу сўзлар замиридаги ҳаракатнинг тезлиги (*шиддатли, кучли*) ўзaro маънодош. Аммо бўрон ва тўфон табиатдаги бир хил ҳодисалар эмас. Аслида, “*Не учун кўзингда гаҳи гаҳ энди, Мен уқиб етмаган тўфон туради*” мисраларида кўчма маъно бўлиб, ундан “ўзим билмаган қайси гуноҳларим учун сенинг кўзларингда (менга аталган) кучли сув тошқини турибди”, деган мантлик келиб чиқяпти. Агар инсон кўзи орқали сув (кўзёши) тўқишини ва яна киши, одатда, ўзига жуда яқин туйғу – муҳаббатдан воз кечаётганда ҳам кўзларидан аччиқ алам ёши чиқишини ҳисобга олсак, мисрада *тўфон* сўзи ўрнида кучли шамол маъносини берувчи бўрон сўзини қўллаш олмаймиз.

Демак, шонранинг шеърий мисрада тўфон сўзини қўллаши тасодифий эмас. Кейинги мисраларда ҳам ҳар бир лексик бирлик ўз ўрнини топганини кузатиш мумкин:

кўклям – баҳор – навбахор

Ҳали ҳам кетган йўқ мадори,

Ҳали соз созларга ўхшайдир.

Баҳордан ёш эди баҳори –

Кузи ҳам ёзларга ўхшайдир. (“Кузги дарахт” шеъридан)

оқшом–тун– кечқурун– шом

Балки кимдир зор кетгандир меҳрим, юрак тафтимга,

Ўлтирибман яшаб ўтган умрим қисқа туюлиб

Ярим умр ўтди, олдим, юрак сени кафтимга –

Ғамгин шотут соясида шом келаркан қулиб.

(“Ярим умр ўйлари” шеъридан)

2) яратаётган поэтик матн таркибида бадний тасвирда таъсирчанликни ошириш мақсадида синонимик катордан бир эмас, икки ёки ундан ортик бирликни танлаб олиш ва уйғунликда қўллаш масаласи ҳисобланади. Чунончи,

дил–кўнгли–юрак

Дейлик, бир бут дилга сачраб кетди қон,

Бир кўнгли ўтларда қоврилар, тутар.

Айтинг, малҳам қайда, келар у қачон,

Бир кўнгли яраси қанчада битар?

Менга мана шунинг ҳисоби керак,

Тагин изи қалмай битарми юрак? (“Ҳисоб-китоб хақида” шеъридан)

севги – ишқ – муҳаббат

Муҳаббат севардим сени жон қадар,

Сен бунда ишқмас, йўқ, кулфатсан, мастсан.

Севги, сен ҳам энди кетарсан бадар,

Қайтиб бу кўйлақни дазмолламассан. (“Энг тоза мева” шеъридан)

маънос–мунгли – мунис

Кўнглим маънос тортади кузги боғдаги ҳалдан –

Қушлар мунгли, излашар хайрлашмоқ чорасини.

Ранглар дарахтлар мунис солланишиб шамолда,

Бош чайқашиб қиларлар “йўқ, йўқ” ишорасини. (“Кузги боғ” шеъридан)

она–эна; даст–қўл

Беллари букилиб, кўтараркан даст,

Эзу умидларга йўғрилган чоғда

Мунаввар келажак ота-онамас,

Эналар қўлида йўлга кирмоқда. (“Оналар хақида” шеъридан)

Тилда маънодошлик парадигмаси доимо очик туради, зеро жамият, давр талаби асосида айримлари истеъмолдан чиқиб, қатор янгилари билан бойиб боравериши маълум. Нутқда синонимик катор аташ бирликларини, мустақил лексемалар, полесемантик сўзлар, фразеологик бирлик, ясама сўз, ўзлашма бирликлар, сўз бирикмаси ёки бошқа кўчма бирликлар ҳисобига тўлиб, кенгайиб бориши мумкин. Зеро, “контекстуал синоним сифатида нутқнинг гўзаллиги ва бойлигини таъминловчи восита саналади”. Маънодошликдан икки ҳолатда–

1) нутқий ҳосилаларнинг қайтариғи оқибатида пайдо бўладиган ифода камбағаллиги, рангсизлиги ва сийқалиқдан қочиш учун;

2) тасвир объектига эътиборни жалб қилиш учун ранг–барангликни таъминлаш мақсадида фойдаланилади.

Муваққат ёки матний маънодошлик (контекстуал синонимия). Маҳоратли ижодкорлар фақат тилда мавжуд бўлган, тайёр маънодош бирликлардангина фойдаланмасдан, муайян бадний тасвир талабидан келиб чиқиб ўзаро синоним бўлмаган бирликларни ҳам шундай қўллайдики, ўқувчи, китобхон томонидан бу сўзлар ҳам матнда худди маънодош сўзлар каби идрок этилади. Масалан,

қиз-гул

*Бу қиз ҳам бировга кетадиган гул,
Ушлаб қололмагай на зар, на тилло.
Мендан-да меҳрибон кимса бўлар ул—
Мендан-да вафодор чиқар ул илло.*

(“Бу ўғил меники эмас аслида...” шеъридан)

ҳаёт-йўлак

*Воажаб, бу қадар ёлғизлик нега,
Гаройиб бу ҳаёт – биз ўтар йўлак.
Ҳеч ким, ҳеч нарсага мен бўлмам эга,
Севгим, сенга ўз ишқимдан бўлак.*

(“Бу ўғил меники эмас аслида...” шеъридан)

Шева сўзлари. Ижодкорлар ўз қаҳрамонларини ўзлари яшайдиган худуд ва муҳитдан айирмаган ҳолда ҳаётдагидек ишонарли ва жонли тасвирлаш эҳтиёжидан келиб чиқиб шевага хос сўзларни қўллайди. Шева сўзлари маҳаллий колорит, худудий мансубликни ўзида аниқ акс эттира оладики, бунда шева сўзлари “бадний нутқда муайян эстетик функцияни бажаради. Бирок диалектизмларнинг эстетик қиммат касб этиши уларнинг бадний нутқдаги меъёри, қандай ишлатилиши ва айни пайтда қандай диалектизмларнинг қўлланиши билан боғлиқ”

Ҳалима Худойбердиева шеърларида шева сўзлари ҳам ўзига хос ишлатилганлигини кузатамиз. Масалан,

*Менда эса юрак нотинч қолди-ку сурон бошлаб,
Боламга ким айтар бугун энасин эртагини.*

(“Шип-шип оёқ товушлари” шеъридан)

*Келин эмас, шўрли болам, болам бўлдинг.
Жон чиққунча кўксимдаги налам бўлдинг.*

(“Ёлғиз ўғил армони” шеъридан)

*Бугдой чочсин, тариқ чочсин, гул келиним,
Йўлларида ёвлар қочсин, гул келиним,
Бу шўру тор пешонамга сизмадинг-ку,*

Пешонагни худо очсин, гул келиним. (“Ёлғиз ўғил армони” шеъридан)

Шоиранинг “Ёлғиз ўғил армони” шеърида яна кеб (*Одам қизиқ экан, онаг бўлса кеб, Бошинг силаб, дардга дармон бўларкан*), жиқ (*Сўнг сўзни қайтарди тушиб жиқ терга: “Энажон, не учун...тегдадинг...эрга?!”*) шева сўзлари ҳам учрайди.

*Кун бўлар, ишқ жилтанглайди,
Ой деганинг ерга тенглайди.
“Тақдир”, деб урмай манглайди,
Отинг палвонма, курашин.*

(“Бахшининг тўйдаги курашда айтганлари” шеъридан)

Қайинзорда қолгон бобом эсладим,

“Душманлиги” ёлгон бобом эсладим.

Бир пой маҳси кийиб, бири қўлтиқда.

Сибирга йўл олгон бобом эсладим. (“Сўнгги ох” шеъридан)

Шу ўринда айтиш зарурки, шоира шеърларининг аксарияти ўзбек аёлини куйлашга; уруш асоратларини кўрсатиб беришга ҳамда оддий инсонлар меҳнатини улуғлашга, ҳис этишга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Балки шу боисдандир Ҳалима Худойбердиева шеърларида самимият, раволик, ихчамлик ҳамда фалсафийлик барқ уриб туради.

Хулоса. Ижодкорнинг сара асар ярата олиши фақат унинг иқтидорига, бой фантазияси ёки ҳаётини кузатувларигагина боғлиқ бўлмайди. У, аввало, тил илмидан – лисоний тизимда ҳар бир бирлик ўзига хос парадигматик каторларда бирлашишидан, муайян бирлик бошқаси билан бирикувида, яъни синтагматик муносабатда лексик-семантик, морфологик ёки синтактик валентлик, ассоциативлик қонуниятларига амал қилинишидан, умумийлик, моҳият, имконият, сабаб сифатида мавжуд лисоний бирликларнинг нутқда алоҳидалик, ҳодиса, вокелик, оқибат тарзида юзга чиқиши

тил конуниятлари асосида рўй беришидан, шунингдек, нутқнинг ўзига хос метъерий ўлчовларидан хабардор бўлмоғи лозим. Тил илмидан хабардорлик ижодкорга юксак савиядаги бадиий асарлар яратиш, сўз чакинларини пайдо этиш, кўчимларнинг ранг-баранг, бетакрор кўринишларини яратиш, асосийси, лисоний-бадиий тафаккур эгасига айланиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Муртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мунтоз со‘з, 2010. – 288 б. <https://www.twirpx.com/file/3052388/>
2. Гулямова Ш.К. Ўзбек тили эфемизмларининг гендер хусусиятлари: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Бухоро, 2020. <http://213.230.96.51:8090/files/ebooks>
3. Дилором Юлдашева (Dilorom Yuldasheva). Профессиональные фразеология (Professional Phraseology). International conference on academic studies in philology (BICOASP) 26-28 September 2019 Bandirma <https://d1wqtstsl1zle7.cloudfront.net/60539392/>
4. Шамақсудов А., Расулов Н., Қўнғуров Р., Рустамов А. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 248 б. <https://www.twirpx.com/file/1070737/>
5. Ғайбуллаева Н.Н. Ўзбек тилида тиббий эфемизмлар (тиббий даврий наир материаллари асосида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Бухоро, 2019. – 50 б. <http://library.ziyouet.uz/uzc/book/108708>
6. Юлдашева Дилором Нигматовна. Особенности некоторых профессиональных фразеологизмов узбекского и английского языков. «Сўз санъати» халқаро журнали (ISSN: 2181-9297 DOI: 10.26739/2181-9297 www.tadqiqot.uz) – 2021, 1-сон, 4-жилд. – В.: 119-127. <https://tadqiqot.uz/index.php/art/article/view/446>
7. Дилором Юлдашева. Нутқий мулоқотда сукутнинг ўрни. Образование и инновационные исследования. Там 1 № 1 (2020). <http://interscience.uz/index.php/home>
8. Юлдашева Д. Н. Сукут нутқий мулоқотнинг таркибий қисми сифатида //Сўз санъати халқаро журнали. – 2020. – Т. 3. – №. 3. www.tadqiqot.uz
9. Tueva Zulfiya Nozimovna, Yuldasheva Dilorom Nigmatovna. Statement and about its types. International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 93 published January 30, 2021. – Pag.72-77. <https://elibrary.ru/item.asp?id=44644256>
10. Yuldasheva Dilorom Nigmatovna. Silence-is a nonverbal unit of speech communication. Impact Factor (SJIF 20 20= 6.156) "American Journal of Research", 2020, 11-12 issue of the Journal.– Pag.87-95. https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/12/2020_11_12-AJR_11.pdf
11. <https://zenodo.org/record/5651590#.Ycaq42IN3qs> Dilorom Nigmatovna Yuldasheva, Guli Toirova Ibragimovna, Dildora Yunus kizi Yusupova. Silence is a Pragma linguistic event taking medical Ephemeric significance. Philosophical Readings XIII.4 (2021), pp. 2290-2297. 2290
12. Ashurbayeva Rukhiya Kaxharovna. The concept of integration and its application in education. "International Scientific Journal Theoretical & Applied Science" (ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085). –Year: 2020 Issue: 02 Volume: 82. –83-86 p. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42658976>
13. Rukhiya Ashurbayeva Kahharovna. Effective methods of teaching the mother tongue in the education system. "International Engineering Journal For Research & Development", Vol.5 Issue 7E-ISSN NO: -2349-0721. <https://iejrd.com/index.php/%20/article/view/1313>
14. R.K.Ashurbayeva. Ways of effective Implementation of Integration. Middle European Scientific Bulletin. Volume 10, March 2021. ISSN 2694-9970. Pag.45-51. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/308>
15. Chullieva Gulchekhra Toshpulot qizi. Intonation. Intonema, its structure. Functions of intonema. Middle European Scientific Bulletin, Volume 8, January 2021. ISSN 2694-9970. Pag. 141-148. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/179>
16. G.T.Chullieva. Intonema and its Types. Middle European Scientific Bulletin. Volume 10, March 2021. ISSN 2694-9970. Pag. 91-95. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/314>
17. DY Yusupova. Poetess Khalim Khudoyberdieva and his skill in use of the word. International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 93 published January 30, 2021.– Pag.238-241. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=44644284>
18. Dildora Yunus kizi Yusupova. About Polisemantic Words (on the example of the poems of the Uzbek poetess Khalima Khudoyberdiyeva). Middle European Scientific Bulletin. Volume 10, March 2021. ISSN ISSN 2694-9970. Pag.384-389. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/367>
19. Худойбердиева Ҳ. Сайёнама. –Тошкент: Иллар, 2000. –398 б.
20. <http://library.ziyouet.uz/ru/book/119112>
21. <http://library.ziyouet.uz/ru/book/119111>
22. <http://library.ziyouet.uz/ru/book/119110>